Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 4 ноябрь, чоршанба № 217 (21.315).

И. КАРИМОВ «ВЕК» ГАЗЕТАСИ БОШ МУҲАРРИРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Россиялик ишбилармонлар ҳафталиги — «Век» («Аср») газетасининг 11-сонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳафталик бош муҳаррири Владимир Соколов билан суҳбати босилиб чиқди. Суҳбатда Ўрта Осиё минтақасида, жумладан, Тожикистон республикасида бўлаётган сиёсий воқеалар кенг қамраб олинган ва Ўзбекистон раҳбариятининг унга муносабати баён этилган. Шунингдек, Тожикистондаги ижтимоий-сиёсий танглиқни юмшатиш йўллари, жаҳон ҳамжамияти ва МДҲ давлатларининг бу борадаги вазифаси хусусида ҳам тўхтаб ўтилган.

И. Каримов мухбирнинг республикада тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги саволларига жавоб бера туриб, Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг ўзаро алоқаларини, ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларини кучайтириш лозимлигини таъкидлаган.

Президент Россия ва Ўзбекистоннинг инвестиция соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида, жумладан, шундай деган: «Мен инвестициялар ҳақида гапирганда икки томонлама жараённи назарда тутаман. Ўзбекистон кучсиз давлат эмас, бизда маблағ заҳиралари, жумладан, валюта маблағлари ҳам етарли. Биз, масалан, Сибирдаги ўрмон саноати хўжаликларига маблағ сарфлашимиз мумкин».

Мазкур суҳбатнинг ўзбекча матни «Ватан тараққиёти» фирқасининг бош нашри — «Ватан» ҳафталигида чоп этилди.

(ЎзА).

МАРРА—70 МИНГ ТОННА

Косон районн пахтакорлари режадаги 53300 тонна ўрнига давлатга 54 минг тоннадан зиёд ҳосил топшириб, дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Қабул пунктларига топширилган ҳом ашёнинг асосий қисмини биринчи навли пахта ташкил этди. 35 минг тонна ҳосил машиналар бункеридан тўкилди.

Эришилган муваффақиятга А. Набиев, Бобир номли, «Ширинтепа», «Гулбоғ» давлат хўжаликлари, «Гулистон», «Ўзбекистон», номли илғор жамоа хўжаликлари заршунослари катта ҳисса қўшишди.

— Пахтакорларимиз, — дейди район ҳокимининг биринчи мовуни Н. Аллаёров, — ялпи ҳирмонни 70 минг тоннадан оширишни мўлжаллаянтилар. Далаларда шунга яраша ҳосил бор. Режадан ташқари 15 минг тоннадан кўпроқ пахта топширишга эришамиз. Бу эса хўжаликларга 4 миллиард сўм қўшимча даромад келтиради.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислом КАРИМОВ:

Дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ёш ватандошларнинг Тошкент учрашуви мустақил Ўзбекистон равнақи йўлида хизмат қилишига, келажакдаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши учун бақувват пойдевор бўлишига астойдил ишонаман.

ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА ДИЙДОР КЎРИШДИЛАР

Тошкентдаги Алишер Навоий номли катта Давлат академик театрида ёш ватандошларнинг Халқаро анжуманини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, мазкур тадбирни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси М. Қорабоев очди. Республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёш ватандошларнинг Халқаро анжумани қатнашчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Азимов ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитасининг биринчи котиби, ташкилий қўмита раиси ўринбосари А. Орзиматов меҳмонларни она-Ватан заминига ташриф буюрганлари билан муборакбод этди.

Театр биноси олдида хорижлик биродарлар билан қизғин суҳбатлар, учрашувлар бўлиб ўтди.

— Авлодларимиз қиндик қони тўкилган юрт биз, ёшлар учун ҳам муқаддас, — дейди истамбуллик ватандошимиз Орол Субутой. — Касбим машина муҳандиси. Бу ердаги олий ўқув юртларида шу йўналишда ёшларга қандай сабоқ берилишини, уларнинг билим савиясини ўрганиш мақсадида келганман. Ниятим техника университетлари ўртасида алоқа ўрнатиб, бу ердан Истамбулга борган ёшларга касб-ҳунар ўргатиш.

Хориждан келган ватандошлар билан суҳбатлашиш учун таржимонларнинг ҳожати йўқ. Улар ўз она тилларида сизу биздек бемалол суҳбатлашишади. Муяссар Бобоқурбон билан Камол Бобоқурбон Нью-Иоркдан ўғлилари билан келишган. Асли қўқонлик бу юртдошларимиз билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, уларнинг авлод-аждодлари урф-одатини Ватандан узоқда ҳам канда қилмай, фарзандларига уни «юқтиришганининг» гувоҳи бўласиз.

— Қизимиз ҳам, ўғлимиз ҳам ҳуқуқшунос, — дейди Муяссар Бобоқурбон. — Истиқлолга эришган Туркистон ўлкаси учун қўлимиздан нима ёрдам лозим бўлса, биз шунга тайёрмиз.

Асли бухоролик элдошимиз Матлуба Афолаян Нигериядан келган. Медицина фанлари номзоди, реаниматолог, ҳозирда эса докторлик илмий ишини давом эттираётган бу ватандошимизнинг ниятлари катта. У Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Тошкентдаги касбдошлари ёрдамида улар билан биргаликда оғриқсизлантириш маркази ташкил этмоқчи.

— Бу ерга шу ишларни юргизиш, айрим муаммоли масалаларни ҳал этиш учун келганман, — дейди Матлуба Афолаян. — Бу ўлкада соғлиқни сақлаш ишларига амалий ёрдам бера олсак, мамнун бўлардик.

Президентимиз И. Каримовнинг ёш ватандошлар Халқаро анжумани қатнашчиларига йўллаган табригида таъкидлаганидек, дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ёш ватандошларнинг Тошкент учрашуви мустақил Ўзбекистон равнақи йўлида хизмат қилишига, келажакдаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши учун бақувват пойдевор бўлишига астойдил ишонамиз.

Дийдорлашувга нима етсин!..

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Азимов, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. Фозилбеков, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. Алламуродов, республика Ёшлари иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматов, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Умида ФАЙЗИЕВА.

СУРАТЛАРДА: учрашув дақиқалари.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

БАҲОУДДИН НАҚШБАНДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Кўплаб фуқаролар, уламолар ва Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг 1993 йилда Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган аллома Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юбилей комиссиясининг таркиби тасдиқлансин. Комиссия бир ой муддат ичида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб, бажаришга киришсин.

3. Бухоро вилояти ҳокимлиги, дин ишлари бўйича қўмита, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Фанлар академияси тегишли ташкилотлар билан бирга 1993 йилда Бухоро шаҳрида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига бағишланган анжуман ўтказсинлар.

4. Ўзбекистон Фанлар академияси ва Дин ишлари бўйича қўмитасига:

— Мазкур сана муносабати билан 1993 йилнинг сентябрь ойида илмий конференция ўтказиш;

— «Нақшбандия таълимоти ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» монографиясини ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», ас-Сафийнинг «Рашоҳот айн ул-ҳаёт» асарларидан Нақшбандия таълимотига оид маълумотларни таржима этиб, уларни илмий шарҳлар билан нашр этиш топширилсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлигига Бухоро шаҳрида ва Баҳоуддин Нақшбандий туғилган Қасри Орифон қишлоғида унинг номини абадийлаштириш тадбирларини кўриш юклатилсин.

6. Мана шу тадбирларни ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамаси йигирма беш миллион сўм ажратсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

* * *

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ҒАЛЛА ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАСИ

(ҳар тоннаси сўм ҳисобида)

Бўғдой	20000
Арпа	16000
Сули	16000
Жавдар	19150

● Ўзбекистон Республикаси истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитасининг ахборотини газетамизнинг кейинги сонларида ўқийсиз.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҒАЛЛА ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Колхозлар, совхозлар, ижарачи, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжаликларни, шунингдек қишлоқ аҳолисини ғаллани кўпроқ экишга ва ғалла ялпи ҳосилини кўпайтиришга рағбатлантириш, энергия манбааларини қимматлашганлиги харажатларининг ўрнини қоплаш ва иш ҳақини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қишлоқ хўжалик вазирлигининг ғалла харид нархлари энг юқори даражасини иловага мувофиқ 1993 йил ҳосилидан бошлаб дон турларига қараб 2,5 баравар ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги янги харид нархлари рўйхатини бир ҳафта муддатда нашр этиб, манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 3 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Бухоро	1.43	91.40
Қашқадарё	1.93	88.74
Фарғона	1.11	86.98
Наманган	1.62	85.98
Андижон	1.20	85.55
Хоразм	1.11	75.65
Сурхондарё	1.56	75.13
Тошкент	2.00	74.80
Навоий	2.08	72.34
Қорақалпоғистон Республикаси	1.33	68.24
Сирдарё	2.19	67.98
Жиззах	2.63	63.31
Самарқанд	2.09	54.78
Республика бўйича	1.69	77.29
1991 йилдагиси	0.36	102.40

ШОЛИКОРЛАР ЗАФАРИ

Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамасдан Қорақалпоғистон республикаси шоликорлари, ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Кўнғирот районн шоликорлари республикада биринчи бўлиб шоли тайёрлаш режасини ошириб адо этдилар. Давлатга топширилган шоли 41200 тоннадан ошди. Ленинобод районн шоликорлари 50 минг тоннадан кўпроқ шоли тайёрлаб, шундан 42500 тоннасини давлатга сотдилар. Режани ошириб бажаришда «Советская Каракалпакия» давлат хўжалиги шоликорлари 8637 тонна, «Олтинкўл» давлат хўжалиги 11762 тонна, «Партия XXII съезди» давлат хўжалиги 13707 тонна, Дзержинский номли давлат хўжалиги 7500 тонна шолиси билан муносиб ҳисса қўшдилар. Ўнлаб бригадаларда ҳар гектар майдондан 45—55 центнердан ҳосил олинди.

Хўжаликларда шоли ўришнинчиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Динмуҳаммад ҚЎНАЕВ:

ДЎСТИМ ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА СЎЗ



Атоқли давлат арбоби ва истеъдодли ёзувчи Шароф Рашидовнинг 75 йиллик таваллуди муносабати билан қардош Қозоғистоннинг пойтахти Олма-Отада бўлишга тўғри келди. Юбилей комиссиясининг юмуши билан юрт отасининг қиёматлик дўсти ва сафдоши Д. А. Қунаевнинг қўлига тантаналар таклифномасини тақдим этиш ва у ҳурматли отахоннинг дил сўзини тинглашмоқчи эдим. Душанба куни эрталаб «Қўлқанот» меҳмонхонасига келиб турган тўртта етти рақамли «Волга» шахсий машинасида Тулебоев кўчасидаги 119-уйга етиб бордим. Эшикни хизматчи очиб ичкарига таклиф этди. Европача услубда қурилган бўлса ҳам ички томони шарқона манзарани намоён этувчи узун ва кенг хона керакли ва нафис буюмлари билан киши диққатини жалб этади. Ўртада баланд бўйли, норғул, ҳали қадди букилмаган, чеҳраси очиқ нуроний кишн турарди. Миллий одатимиз бўйича, «Ассалому-алайкум, отахон», дедим ва қучоқ очиб кўришдим ҳамда қўл олишдим. У киши ўнгдаги алоҳида хонага таклиф этдилар. Бу хонада асосан шингача зич қўйилган китоблар, жуда кўп ранг-баранг совға буюмлари, оддий мебеллар турар эди. Мен тезда «Таклифнома»ни у кишининг қўлларига тутқаздим. Очиб кўрдилар. Ёшлик, навқиронлик даврлар ёдга тушдимикан, йигитлардек қувониб, ўзларини мағрур тутдилар, «Ўзбекларимга балли-ей, қалбимни офтоб каби элитувчи ёдгорлик олиб келганингдан бошим осмонга етди. Мен Шарофнинг нигоҳида Ўзбекистонни кўряпман ёки аксинча», дедилар. Шундан кейин ҳол-аҳвол, саломатлик ҳақида сўрашиб ўтирдик. Ўлкалардаги бугунги аҳволлар тўғрисида гаплашган бўлдик. Шундан кейин суҳбатга ўтишим олдидан отахон ўрнидан чаққон туриб, шахсий архивидаги суратлар орасидан кераклигини ажрата бошлади. Улар орасида қуйидаги эълон қилинаётган суратларни қўлимга бериб, «Газетангда, чиқарарсан, Қозоғистонда олинган» дедилар. Шундан кейин қисқа ва ғоятда мазмунли суҳбатимиз бошланди.

— Ҳурматли Динмуҳаммад Ахметович, сиз табаррук ёшга етган кишисиз. Катта ҳаётнинг катта сабоқларини олгансиз, биз Туркистон халқлари мусулмон бандалари эканмиз, Ислом ақидаларига кўра бир гап бор. Минг ой юзини кўрган одам жаннати бўлади, дейдилар. Жаннати одамсиз, Айтингчи, ўтган даврдан мамнунмисиз!

— Мен ҳаётимда узоқ ишладим. Ҳақиқатан ҳам кўпни кўрдим. Қилган меҳнатларимга минг бор розиман. Ҳаёт тақозоси билан ёшим улғайиб, фароғат даврига етганлигимдан яратган тангрига шукрлар қиламан, лекин адолатсизликми, ноҳақликми, ишқилиб бўхтончиликни жиним ёқтирмайди. Ҳаётнинг ана шу қусурлари асабимга теккан жойлари ҳам бор. Нима дердим, йигит бошига иш тушса, этик билан сув кечар дейдилар.

— Сиз бу йил ёзда Тошкентда бўлган эдингиз. Шайхонтоҳурдаги Қалдирғочбий—Тўлабий мақбарасини зиёрат этганингиздан кейин Шароф Рашидов хонадонида бўлибсиз. Шу қисқа ва ўзбеклар учун азиз бўлган сафар таассуротингиз қандай бўлди!

— Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Илгари ўйлаган ишларимни бажаришга вақт тополмас эдим. Ёшим улғайгач, бундай ўйлаб қарасам, ҳали олдимда бир олам юмушлар турган экан. У ҳам бўлса азиз-авлиёлар ўтган жойларни зиёрат қилиш, шарқ халқларига хос инсоний бурчларимдир. Шу мақсадда Қозоғистоннинг жанубий вилоятларидаги кўпгина зиёратгоҳларни кезиб чиқдим. Туркистонда Ахмад Яссавийнинг мақбарасида бўлдим, кейин Тошкентга бордим. Қалдирғочбий ёдгорлиги олдида одатимизга кўра тайёрланган маракада қатнашдим. Биласанми, иним, бундай зиёрат одамга катта таскин бераркан, фикринг ошади, дунё ҳақидаги тушунчаларга янада чуқурроқ кириб борар экансан. Нуриддин Акрамович Муҳитдинов иккаламиз бирлашиб, дўстим Шароф Рашидовнинг уйига борио, дуои фотиҳа қилдик. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бермоқ керак, деган гап ҳам бор. Бу мен ўша юқорида айтган азиз-авлиёларни зиёрат этиш сафаримнинг давомига киради. Уй бекаси Хурсан Ғафуровна бизларни жуда илиқ кутиб олди. Бу муътабар аёл Шароф Рашидовнинг чирогини ёқиб ўтирганидан кўп хурсанд бўлдим.

Қуръон тиловат қилинди. Хурсаной ҳам қуръон ўқиди. Дастурхонга сизларнинг

(Давоми учинчи бетда).

МАДАНИЯТИМИЗ ФИДОЙИСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ КОМИЛ ЯШИН БИЛАН СУҲБАТ

Моҳир драматург ва адиб, Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин кўп йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига, республика Ҳамза номидаги Давлат мукофоти қўмитасига раҳбарлик қилди. Табиийки, у ана шу масъулиятли лавозимларда ишлаш жараёнида республика раҳбари Шароф Рашидов билан мунтазам кўришиб турди, маслаҳатларини олди, ёрдамидан баҳраманд бўлди. Унинг атоқли давлат ва жамоат арбоби ҳақидаги таассуротлари, кузатишлари бир олам. Бугун улардан баъзиларини ўқийсиз.

(Давоми иккинчи бетда).

Шарофнома

МАДАНИЯТИМИЗ ФИДОЙИСИ

Комил ЯШИН



(Давоми. Боши биринчи бетда).

— Домла, Шароф Рашидов билан илк бор қачон учрашгансиз!

— Улуғ Ватан уруши йилларида Ёзувчилар уюшмасида Ҳамид Олимжон билан бирга ишлардим. У киши уюшма бошқарувининг раиси, мен адабий жамғарма кенгашининг бошлиғи. Ўзаро муносабатларимиз яхши, бир-биримизни ҳурмат қилардик, бамаслаҳат ишлардик. Июль ойининг боши бўлса керак, Ҳамид Олимжон дам олишда бирга бўлишни таклиф қилди. Аммо бизникига Андижондан меҳмонлар келгани боис боролмаслигимни айтдим. Эртасига нохуш хабардан воқиф бўлдик: Дўрмондан дам олишдан қайтаётган шоир шериклари билан юк машинасида ҳалокатга учрабди. Дўстимиз оғир аҳволда касалхонага ётқизилибди-ю, аммо кўп ўтмай бандаликни бажо келтирган. Ҳаммамиз қайғуда қолдик. Руҳимиз вайрон эди. Дафн маросимида Усмон Юсупов ва Садриддин Айний қатнашди. Шоирни қабрга қўйиш чоғида укаси Сарвар Азимов билан қотма, новчадан келган қорачароқ йигит қучоқлашиб азият чекарди. Бу — Шароф Рашидов бўлиб, Самарқанддаги «Ленин йўли» вилоят рўзномасининг муҳаррири экан. Ўшанда у билан илк бор кўришганман.

— Рашидов улкан давлат арбоби бўлиш билан бирга ўзи ҳам моҳир адиб, қаламқаш, бадиий маданиятимиз, хусусан, адабиётимиз жонкуяри эди. Айтингчи, яратиладиган асарларингиз тўғрисида у киши билан фикр алмашиб турармидингиз!

— У кишининг каминага қилган яхшиликларини унутолмайман. Чунончи, Файзулла Хўжаевнинг ёркин хотирасига бағишланган «Инқилоб тонги» асаримни ўқиб, бир қатор яхши маслаҳатлар берди. «Оловли йўллар» фильмининг майдонга келиши учун вақтини аямаган, биринчи бўлиб кўриб, қабул қилган. Талай ёзувчиларимизнинг асарларини Москвада чоп эттириб, Бутуниттифоқ ўқувчиларига етказишга қўлидан келган юмушни бажарган. Буни марказда асарлари чоп этилган ёзувчиларимизнинг ўзлари ҳам унутмаган бўлишса керак.

Ш. Рашидов жумҳуриятимизни бетиним кезар, кўплаб талантли одамлар билан учрашар, турли-туман, бир-биридан муҳим масалаларга дуч келар ва натижада унда янгиянги ижодий режалар туғилар эди. Афсуски, уларни қоғозга туширишга вақти, имконияти етмас эди. Шунда ёзувчиларнинг ижодий йўналиши, кучи-қобилиятига қараб туриб, ўша мавзуларни тавсия этар эди. К. Симонов ва Ҳ. Ғуломларга Мирзачўл, Уйғунга Зебунисо тўғрисида асар ёзишни тавсия этганидан хабардорман. Агар ёзувчилар йириқроқ асар устида ишлаётган бўлса, унга халақит бермасликка, аксинча, кўмаклашишга уринар эди. О. Ёқубовнинг «Улуғбек ҳазинаси» романини ёзаётганини эшитиб, тезроқ битишини истади ва якунланганини қувонч билан қабул қилди. Менга «Катта мавзуга қўл урган бундай ёшларга кўмак беринг», дерди.

Бир куни у «Яшин оқсоқол, бир гулдаста шоира қизларингизнинг парвозидан ҳабарингиз борми?» деб сўраб қолдилар. Мен Г. Нуруллаева, Ҳ. Худойбердиева, Г. Жўраева, Э. Охунова, О. Ҳожиеваларни санаб, улар ижодига таъриф бердим. Шунда Ш. Рашидов: «Энди буларнинг овозини Иттифоқ ҳам эшитиши керак. Асарларининг рус тилига таржима қилинишига ёрдам беринг», деди. Мен, Римма Казаковага топширсак, деган фикрни айтдим. Москвага, унинг уйига бордим, кўндирдим ва Ш. Рашидов айтганидек, уларнинг асарларини рус китобхонларига етказдим. Ўша вақтда ёш, ҳозир адабиётимиз устунлари бўлиб қолган ижодкорларнинг деярли барчаси Ш. Рашидовнинг меҳр-шафқатини кўрган одамлар, десам янглишмайман.

— Шароф Рашидовнинг тарихий шахсларга муносабати қандай бўлганлигидан оз-моз хабардормиз. Лекин бу ҳақда Сизнинг фикрингизни эшитиш бошқача...

— Айрим оғзига кучи етмаган танқидчилар ҳам замона зайли билан гап тегиб қолса, Рашидов мозийга ўгай кўз билан қараган, деган фикр билдиришга одатланиб қолишган. Мен уларнинг асоссиз эътирозига қўшила олмайман. Тўғри, у коммунистик мафкура ҳукмдорлигини ҳисобга олиб, бироз бу борадаги ҳаракатларга кенг йўл очмаган бўлиши мумкин. Аммо адабиёт ва тарих жонкуяри сифатида шуни айтишим керакки, биринчи раҳбар ҳар қандай илғор фикрни қўллаб-қувватларди ва унинг амалга ошиши учун қўлидан келганича мадад кўрсатарди.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётини ўрганган марҳум академик Иброҳим Мўминовнинг бошига тушган маломатлар кечаги кунимиз. Олим қанчалик оғир бўлмасин, танлаган йўлидан қайтмади. Ўз фикри, ғоясида устивор турди. Ўша кезда соҳибқиронни қонхўр жаллод, босқинчи сифатида тасвирлашга ружу қўйилганди. Жаҳон миқёсида Амир Темурнинг обрўйи беқиёс бўлишига қарамай, жўмард саркарда тавалуд топган заминда кўп нарса қоронғи эди. Орадаги бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилган И. Мўминов бевосита биринчи котибнинг ёрдамига таянган ва у рухсат этган. Иброҳим Мўминовнинг жасорати билан чоп этилган «Зафарнома»дан ҳам Рашидов хабардор бўлган. Агар Рашидов аждодларимизга қарши бўлганида ғоят мураккаб бу ишлар амалга ошармиди?!

Шу ўринда Пиримқул Қодировнинг «Юлдузили тунлар» романи билан боғлиқ воқеани эслаб ўтмоқчиман.

П. Қодиров узоқ йиллар тупроққа тенг қилинган, топталган буюк аждодларимиз тарихига мурожаат этди. Мен сизга айтсам, ўшанда Амир Темур ва унинг сулоласи хусусида асар ёзиш анча қалтис эди. Соҳибқиронни қонхўр жаллод, босқинчи, деб ҳақиқатга зид ҳолда кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Шундай бўлишига қарамай, истеъдодли адиб ўз мақсадига етди ва романни ўқишга берди. Бир эмас, 2—3 марта ўқиб чиққанман. Ҳар сафар асар катта қизиқиш уйғотиб, ўқувчи сифатида қониқиш ҳосил қилардим. Афсуски, зудлик билан чоп эта олмадик. Ҳамкасблар ҳеч иккиланмай босишни таклиф қилишарди. Романнинг мафкурамизга зид фикр юритганга чиқарганлар ҳам йўқ эмасди. Шароф Рашидов вазиятни тўғри баҳолаб, яна бошимизга кутилмаган туҳмат тошлари ёғилишини ўйлаб бироз шошмай туришни тавсия этди. Бу, асарни йўққа чиқариш, деган гап эмасди. Негаки, Москвадан, баъзи бир катта оғаларимиз томонидан ўхтин-ўхтин туҳмат, маломат тошлари отилиб турарди.

Ўша кунларда Тошкентга собиқ Иттифоқ ёзувчилар уюшмаси котибларидан бири, таниқли адабиётшунос ва танқидчи Юрий Суровцев келиб қолди. Унга гап орасида П. Қодиров ўз машаққатлари хусусида куйиниб айтибди. Хонамда бўлган суҳбатда москвалик меҳмон нега романни эълон қилмаётганимиз билан қизиқди. Унга бор гапни очик айта олмадим. Агар истаса, бу масалада Шароф Рашидов билан ўзи бир гаплашиб кўришни таклиф этдим. Биринчи котиб уни жуда ҳурмат қиларди. Марказқўмга қўнғироқ қилувдим, зудлик билан қабул қилишадиган бўлишди. Бироз суҳбатлашгандан сўнг Ю. Суровцев Рашидовга мурожаат этар экан, Бобурнинг жаҳон миқёсида тутган ўрни тўғрисида алоҳида ҳурмат билан гапирди. У ҳақда бошқа мамлакатларда чоп этилган асарларни мисол келтириб, ўз сўзини якунлади. Биринчи котиб бироз ўйланиб тургач, менга маъноли боқиб, чеҳраси ёришиб, москвалик меҳмонга юзланиб: «Агар сиз уни шахсан ўзингиз рус тилига таржима қилсангиз, албатта нашр этамиз», деди. Масаланинг бундай ҳал этилишини кутмаган Ю. Суровцев дастлаб бироз ўнғайсизланди. Аммо бу юмушга рози эканлигини билдирди. Иш пишди. Ҳурсанд бўлдик. Рашидов меҳмоннинг қўлини сиқиб хайрлашар экан, унга омад тилади.

Шундай қилиб, ўша куниёқ асар оқ йўл олди.

Бу хушхабарни мен муҳаррир Мирмуҳсинга етказдим. У романни «кишандан озод қилишга» буйруқ берди. Асар 1980 йили рус тилига ўгирилди. Олдин «Звезда Востока» журналида, 1983 йилда эса «Советский писатель» нашриётида 200 минг нусхада ёруғлик юзини кўриши катта воқеа бўлганди. Сўнг бир неча бор қайта чоп этилди. Унинг давоми бўлган «Авлодлар довони» юзага келди. Бунинг учун ҳассос адибимиз П. Қодиров умрининг охиригача Шароф Рашидовдан миннатдор бўлса керак.

— Жуда кўп ёзувчиларимиз чет эл сафарларида бўлишган. Ана шу ижодий юришлардан сўнг яратилган асарлар ичида «Кашмир қўшиғи» алоҳида ўрин тутади. Тўғримі!

— Тўғри. Биласизми, айтганингиздек, неча ўнлаб адиблар, шоирлар хорижий юртларни кезиб чиқишган. Улар ватанга қайтиб келишгач, кўрган-билганларини йўл хотираси сифатида вақтли матбуотда эълон қилиш билан чегараланишарди. Фақат икки муаллиф — Ойбек ва Рашидов бундан мустасно. Уларнинг бири Покистонга, бири Кашмирга бориб, ўзидан бадиий асар қолдирди. Қисқа вақт ичида ўз қадамлари етган халқнинг турмуш тарзини ўрганиб, қаламга олишга лойиқ мавзу топиш катта истеъдод. Ойбек ёзган «Нур қидириб» қиссаси, Рашидов яратган «Кашмир қўшиғи» бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ ва йўқотмайди ҳам. Мен бунга аминман. Ҳар иккиси ҳам мукаммал бадиий асар сифатида талқин қилинишга лойиқ. Ўзга юртга сафар қилган ҳар бир ижодкор устозларидек иш кўришса айни муддао бўларди.

Ш. Рашидовнинг чет элларга кўпроқ боришининг (айниқса, Шарқ мамлакатларига) бир боиси бор эди. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка номзодлари орасида фақат Ш. Рашидов ёзувчи эди. Шунинг учун адабиёт, санъат ва маърифатга доир анжуманларда делегация бошлиғи сифатида юборилардик. У совет ҳукуматининг сиёсатини тарғиб қилиш ва чет мамлакатлар билан СССРнинг алоқасини янада мустаҳкамлаш ишига ўз улушини қўшиб келарди. Йиғинларда у ёзувчи сифатида қатнашса-да, ва нутқ сузласа-да, аслида совет мамлакатининг вакили сифатида иш тутар эди. Чет эл адабиёти намуналарини таржима қилиш ишини кенг йўлга қўйиши ҳам бежиз эмасди. Кечагидек эсимда: Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Ассоциациясининг Бош секретари Алекс Ла Гуманинг фармони билан биз, бир гуруҳ совет ёзувчилари Ҳиндистоннинг азим шаҳри — Калькуттага отландик. Ана шунда, кетар чоғимда Шароф Рашидов менга Р. Тагорнинг ўзбек тилида чиққан ўн томлигини унинг музейига тақдим этишни, шоиримиз Муҳаммад Али томонидан «Рамаяна»нинг ўзбек тилига таржима қилинганини ҳам билдириб қўйишни топширди.

Совға ва хушхабардан чексиз хурсанд бўлган ҳинд дўстларимиз бизни бошларига кўтариб юришди. Ш. Рашидов бадиий адабиётни халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамловчи буюк восита, деб билар эди.

— Ҳар бир ижодкорнинг асар яратиш жараёни бўлади. Унинг ўзга адиблардан шундай фарқли томонлари бўладики, буни ҳар ким ҳам бирдан англаб ета олмаса керак. Шароф Рашидов йирик давлат ва жамоат арбоби бўлиш билан бирга моҳир ёзувчи ҳам бўлган. Айтингчи, бу икки масъулиятли вазифани бир шахс қанчалик ўринларди!

— Фикрингизни ўқдим. Сиз Рашидовнинг вафотидан сўнг чиқиб қолган гапларни назарда тутяпсиз. Улар орасида биринчи раҳбар асарларини ўзи битмасди, балки, кимгадир ёздириб ҳурмат ва эътибор топарди, деган ўринсиз эътирозларни эслатдингиз, чамамда. Бу фикрларнинг даъвогарлари уни қаердан олишгани менга қоронғу. Аммо бир нарсага аминман. Шароф Рашидов ўз асарларини ўзи битарди. Буни унинг оиласида сақланиб қолган қўлёзмалари ҳам тасдиқласа керак.

Шахсан ўзим бир нарсанинг гувоҳиман. Москвага иш билан борганимда, Шароф Рашидовнинг, адашмасам, Украинадаги «Трускавец» санаторийсидан қайтаётганини эшитиб, кутиб олувчилар қаторида аэропортга чиқишга тўғри келди. Ўшанда Рашидов билан ҳол-аҳвол сўрашар эканмиз, менга «мана, дам олиш ҳам иш билан ўтди, битта нарсани битириб келаяпман», деб бош бармоғини кўрсатганди. Асарларини қаламда ёзишини эшитгандим. Ўша кезда, қаламда ёзавергандан бармоғи кўм-кўм бўлиб кетганди. Билсам, у «Дил амри» қиссасини поёнига етказган экан.

Тўғри, ижоддан йироқ бўлганлар ноўрин фикрларга эрк беришиб, нималар тўқиб чиқармайди, дейсиз? Романни чидаган одам ёзади. Бунинг учун туғма истеъдод ва сабр-тоқат даркор. Рашидовда ҳар икки вазифани бажаришга лаёқат кучли эди. Ундаги иродани ҳеч кимда кўрмаганман. Айтган сўзини бажарадиган мардларнинг марди эди, десам асло муболаға бўлмас. Қани, унинг асарларини ёзиб берган «хизматкор» бўлса бир майдонга чиқсин...

— Ўтган даврда ўзбек адибларининг баракали ижод қилиши учун бир қатор қулайликлар яратилганидан хабардормиз. Бу ишлар бошида ўзингиз тургансиз. Айтингчи, ҳаргал ҳам иш осон битармиди!

— Қаёқда дейсиз?! Ҳар доим курашиш, ҳаракат қилиш асқотарди. Мен ҳеч тортинмасдан сўрайверардим. Қачон Рашидов олдига кирсам ёзувчиларга у керак, бу керак, ёки бирор ижодкор шу масалада қийналиб қолди, дейишга одатланиб қолгандим. Айтганларимнинг барчаси бажарилишига имоним комил эди. Дўрмондаги ижодкорлар боғини қайта қуришнинг ўзи бўладими?! У ерда қад кўтарган дам олиш бинолари — ижодхоналар осонликча қад кўтармаган. Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйи, ҳозир ишлаб турган ижодкорларнинг шифохонаси— поликлиникаси қурилишлари учун озмунча югурилганми?! Яна, адабиёт жамғармасининг 100—120 ўринли касалхонасини қурмоқчи бўлгандик. Ижодкорлар учун бир неча кўп қаватли уйлар, коттежлар ундирганмиз. Мендан кейин келган раҳбарлар биз бошлаган ишларни давом эттиришди. Хуллас, бу ишларни Рашидовнинг кўмагисиз бажариш амри маҳол эди. Унинг ижодкорларга бўлган ҳурмати алоҳида бўлганлиги туфайли шунга эришилди.

— Рашидов кишиларга кўп мурувват кўрсатган. Унинг қабулида бўлган ёки бирор масалада унга мурожаат этган одам ранжиб чиқмасди. Бу ҳаракатларнинг гувоҳи сифатида сиз нима дейсиз!

— Ҳақ гапни айтдингиз. Очиқ айтай, 23 йил Уюшмага раислик қилган давримда Рашидов бирон ёзувчининг бурнини қонатмаган. Бутун оғирликни ўз гарданига оларди. Фозилжон Қўқонбоев деган бир олижаноб инсонни яхши билардим. У чет элларда ишлаб келган. Шу кишининг ўғли бекордан-бекорга қамалиб колибди. Бундан куйинган ота ҳатто оғир хасталикка учраган. Шунда Рашидовга шахсий мактуб битиб, мендан унга етказишни илтимос қилди. Хуллас, иш қайта кўрилиб, адолат тантана қилди.

Ёки бўлмаса машҳур қорақалпоқ ёзувчиси Жўлмирза Оймирзаевнинг тақдири билан боғлиқ бўлган нохуш воқеани эслангг. Ҳурматли адиб тўй қилиб нақ балога қолибди. Унинг масаласини вилоят фирқа қўмитаси бюроси кўриб, КПСС аъзолигидан ўчириш, жиноий иш қўзғатишгача олиб борибди. Шунда шахсан Рашидовга хат ёзиб, мурожаат этишга тўғри келди. Қайта текшириш бошланди. Натижада ижодкор тўла оқланди.

Самарқанд дорилфунунининг домларидан бири туҳмат билан қамалиб қолгач, Тожикистондан Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар, Мўмин Қаноат сингари етук шоирлар Рашидовга мактуб ёзиб, ноҳақлик юз берганини баён қилишди. Уни қарангки, текшириш туфайли бу ишнинг ҳам чуви чиқди. Ҳозирги кунда ҳам ёшлар устози Рашидовнинг беминнат хизматини унутмаган бўлса ажаб эмас. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

— Биз биламизки, Рашидов халқлар ўртасидаги дўстликни жуда қадрларди. У бош-қош бўлган йиғилишларда на фақат собиқ СССР, балки, жаҳон халқларининг қон-қардошлиги хусусида сўз юритилган.

— Шу ерда саволингизни бўламан. Рашидов том маънода байналмилал инсон эди. У ҳар бир шахснинг ирқи, миллати, динига қараб эмас, балки, истеъдоди, қобилияти, одамийлигига қараб муносабатда бўларди. Қардош халқлар, айниқса, рус адабиётига ҳурмати баланд эди.

«Тургеневнинг «Арафа» романи қаҳрамони Инсаров мен севган қаҳрамонлар сирасига киради. Гоголь асарларини ўқиб кўп сабоқлар олганман», деб ёзганди Ш. Рашидов.

Шароф Рашидов «Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони» «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» ва яна ўнлаб публицистик китобларини халққа тақдим этгандан кейин «Ғолиблар» повестини қайта қўлга олди ва романга айлантирди. Бой ҳаётий тажриба йиққач, ёзувчилик қаламини ўткир қилиб чархлаб олгач, ўз асарини қайта ёзган экан. Ҳақиқатан Шароф Рашидов умри бўйи рус адабиётини ўқиб-ўрганди. Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор сингари жафокаш адиблар ўзбек китобхонларини рус адабиётидан баҳраманд қилиш учун нақадар қаттиқ меҳнат қилган бўлсалар, Шароф Рашидов ҳам республикага раҳбарлик қилган йиллари рус адабиётининг дурдоналарини ўзбек тилига кўплаб таржима қилиш, ўзбек халқини улардан баҳраманд этиш ва айни чоғда ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини рус ҳамда қардош тилларга таржима қилиш ишига, бу орқали жаҳон миқёсига чиқишга катта аҳамият берди. Унинг ана шундай жонкуярлиги ва ташкилотчилигини сезган қардош ҳамкасбларим кўпинча менга ҳавас қилишиб, «Сен қандай бахтлисан, чунки, сенинг Рашидовинг бор!» дейишарди.

1958 йилда Ўзбекистон пойтахтига икки буюк қитъадангина эмас, балки, ер юзининг бошқа мамлакатларидан ҳам талай қаламкашлар тўпланишди. «Тошкент руҳи» ўшанда ўзини яққол намоён қилган эди. Ўтган йиллар ичида Осиё ва Африка мамлакатлари адиблари жаҳоншумул аҳамиятга молик ишларни қилдилар. Ер куррасида ядро қирғини ҳавфига қарши курашга, тинчликни барқарор қилишга Ўрта Осиё ва Қозоғистон адибларининг, шу жумладан, Ўзбекистон ёзувчиларининг, шахсан Шароф Рашидовнинг қўшган ҳиссаси катта бўлган эди. Унинг инсонпарварлик, тинчлик, дўстлик каби тараққийпарвар ғояларни талқин этувчи асарлар, ёзиб, жаҳонга танилган забардаст адиб, шоир, олимлар билан бўлган ва кунданкунга бақувват тортиб борган алоқаси то дунёдан кўз юмганига қадар бир кун ҳам узилиб қолмади. Бу адиблар Ўзбекистонга келсалар, уларни қучоқ очиб қарши оларди. Тарих, мерос, тил, нашр, таржима масалалари юзасидан суҳбатлар уюштирарди. Бу мулоқотларнинг асосий мағзи «бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд» таълимотини кенг тарғиб қилишдан иборат бўларди. Хуллас, уларнинг миллати, маслаги, дунёқарашидан қатъи назар, ҳурмат қиларди, ҳатто севарди. Уларнинг ижодини пухта ўрганарди, атрофдагиларга ҳикоя қиларди. Адабиёт ва маданият аҳлининг агар дарди бўлса, дармонини топиб беришдан сира эринмас, шу боис Шароф Рашидовнинг номи уларнинг тилидан тушмас эди. Бу ҳаммаси ҳақиқат. Далил керак бўлса — беҳисоб, Битталаб санаб беришга ҳам тайёрман.

Ш. Рашидовнинг Москва, Украина ва Белорусь ёзувчилари билан дўстлигини айтмасам ҳам бўлади. У. М. Иброҳимов, Р. Ҳамзатов, Қ. Қулиев, М. Карим, М. Авезов, Б. Кербобоев, М. Турсунзода, Ж. Икромий, Ч. Айтматовлар билан қалин дўст эди. Айниқса, Ч. Айтматов истеъдодини юқори баҳоларди. Уни Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ғурури деб биларди. Унинг асарларини укаси Асил Рашидовга таржима қилишга тавсия этар ва нашр этилишини назорат қилиб борар эди. Чингиз ҳам Ш. Рашидовни ғоятда ҳурмат қиларди. Бир воқеа эсимга тушди ҳозир. Москвадаги биринчи ҳукумат дорихонасида Чингиз Айтматов билан учрашиб қолдим. Шунда у СССР Олий Кенгашида Норин дарёси ҳақида гапирганини, буни ғаламислар Ш. Рашидовга бузиб етказгани ва Ш. Рашидовнинг ундан ранжиганини айтиб берди.

«Яшин ака, — деди Чингиз Тўрақулович ҳаяжон билан,—Сиз биласизки, мен ўзбек халқини ўз халқимдек севаман. Ўзбекистоннинг бой тарихи, адабиёти, санъати билан боғлиқман. Мен сессияда ғараз билан гапирмадим. Мен бизни бирлаштирган Норин дарёси ҳам нур, ҳам сув берсин деган маънода гапирдим. Сувнинг Ўзбекистон учун қанчалик зарур эканлигини наҳот билмасам? Менинг бу ниятимни ҳурматли Шароф Рашидовичга етказиб, кечирим сўраб қўйсангиз...» деди. Мен Тошкентга келгач, Чингизнинг бу гапларини Ш. Рашидовга етказдим. Ва ўртадаги гина-қудурат кўтарилиб кетди, улар бир-бири билан боягидек апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

— Орол муаммоси Рашидовни безовта қилганини кўп эшитганмиз. Худди ана шу ташвишлар ҳам унинг умрига зомин бўлмадимикин!

— 1983 йилнинг октябрь ойлари бўлса керак. У кишининг қабулига кирдим. Одатдаги ишлар ҳусусида обдон суриштирдилар. Ҳар галгидек суҳбат мавзуи адабиёт ва унинг муаммоси масаласида бўлди. Мен ҳам ижодкорларимизни қийнаб келаётган муаммоларни очиқ айтдим. Имоним комил эдики, ҳар қандай масала бугун бўлмаса, эртага албатта инобатга олинади.

Учрашув чоғида сездимки, биринчи котибнинг кайфияти синиқ. Унинг нимадандир оғир изтироб чекаётгани билиниб турарди. Бироздан сўнг раҳматлининг ўзи гап очиб қолди: «Биласизми, ҳозир мени нима қийнаяпти, — деганди ўшанда Рашидов. — Бу—Орол муаммоси. Узоқ вақт Орол денгизининг насибасини қийиб, пахта экдик. Ўзбек заминида етиштирилган пахта туфайли Иттифоқ бойиди. Унинг жаҳон миқёсидаги обрўйи ошди. Россиядаги минг-минглаб ишсизларга юмуш топилди. Пахтамиз билан мамлакатни кийинтирдик. Биз пахтага сарфлаётган сувни Сибирь дарёлари ҳисобига тўлдирамиз, деб ўйлагандик, афсуски, умидимиз пуч бўлиб чиқди. Энг ачинарлиси шуки, пахтадан олинган «фойда халқимизнинг турмушини яхшиламади. Охироқибатда Оролнинг насибаси қирқилиб, етиштирилган пахта унинг учун кафан бўлиб чиқди. Шу туфайли ҳам денгизимиздан ажралдик. Халқимизнинг яшаш тарзи жуда пасайиб кетди. Агар Оролни ўз вақтида қутқариб қололмасак, наинки жумҳуриятимиз, балки, қўшни минтақаларни ҳам хароб қиламиз.

Ҳар куни мовий Орол тушимга киради. Ҳар куни кўз ўнгимда шўрлик уммонимиз атрофида суқсиз-ликдан қуриётган далалар, боғ-роғлар, майиб-мажруҳ, азоб чекаётган аёллар қиёфаси кетмайди», дея сукут сақлаганди. Беодоблик бўлса-да, ўшанда ундан: «Энди буёғи нима бўлади?» деб сўрабман. Ташвишлари бошидан ошиб-тошиб ётган суҳбатдошим узоқ ўйга толди. Сезиб турибман, нима деб жавоб беришга қийналаради. У ҳеч қачон нотўғри гапни қилмаган. Ҳозир ҳам дилидагини айтмаса бўлмайди. Шу боис фикрини очиқ-ойдин баён қилди: «Мен ҳам иккиланиб қолдим. Лекин, Яшин ака, сизга бир гапни айтиб қўяй. Биз узоқ муддатга мўлжалланган режаларимизда ҳам, уларни амалга ошириш учун йўл танлашда ҳам янглишган эканмиз...

У Москвада СССР ёзувчиларининг съезди ўтаётган кунлари менга телефон қилди ва Орол ҳақида гапириштик. Мен Сибирь суви берилмаслигини айтдим. Шунда: «Пахта фақат менга керак экан?» деди. Бу сўзи ҳали-ҳали қалбимни чангаллаганча турибди...

Шароф Рашидовнинг Орол нафаси келиб турган заминда бандаликни бажо келтиргани бу борада ҳам қандайдир узвийлик борлигини кўрсатди. Фикрим шуки, унинг бевақт ўлимига сабабчи омиллардан бири ҳам шу Орол фожеаси бўлди.

— Улуғ айём, яъни Шароф Рашидовнинг қутлуғ 75 йиллиги нишонланаётган кунларда қандай тилакларингиз бор!

— Бадиий маданият, айниқса, биз мансуб бўлган миллий адабиётнинг баъзи «чаққон», «ҳозиржавоб» вакиллари Шароф Рашидовни асоссиз равишда қоралаб, ёмонлаб, ҳатто йирик асарлар битдилар. Бугун улар ерга қараб ўтиришибди. Ҳамкасбларимиз»нинг ана шу хатосини ювиш учун, энг аввало, миллатимиз ва маданиятимизнинг жонкуяри, фахри бўлган буюк инсон, кайвони ҳақида ҳужжатли ва бадиий асарлар яратишимиз, унинг илҳомбахш образини чизиб беришимиз керак. Шундай қилсак, келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Суҳбатдошлар:
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ислом УСМОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

ТАШАККУРНОМА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу мактубни адабиёт ва санъат йўлида сочи оқарган бир заҳматкашнинг дил ташаккури деб қабул этгайсиз. Бугун аждодларимиз ва устозларимиз жон бахшида этган ватанда халқнинг асрий орзулари рўёбга чиқиб ва тарихий воқеаларга шоҳид бўлганим ҳамда республика тарихида бурилиш даврини кўриб турганим ушбу сўзларни ёзишга ундайди. Бу улуғ ишларнинг бошида турганлигингиз учун ушбу хатни Сизнинг номингизга йўллайман.

Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик қарор топиб, айни пайтда бу жаҳондаги тинчлик ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шахсан Сизнинг ватан ва жаҳон тинчлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз етти иқлимда ўз акс-садосини топмоқда ва аминманки бундай қутлуғ ҳаракатни жаҳондаги жумлаи-мўмин қўллаб-қувватлайверади. Айни пайтда Шарқда мустаҳкам тинчлик байроғини қарор топтириб, туркий халқлар бошини бириктириш юзасидан ташланган қутлуғ қадамлар — улуғ келажак сари ташланган қадамлардир. Бу туркий халқларнинг келажаги буюк ва бахтли бўлишидан дарак беради. Иншооллоҳ, бу ҳаракат ўзининг қутлуғ мевасини бера бошлади.

Тарқоқлик, ноаҳиллик ва ниҳоят, мустамлака исканжасида асрлар мобайнида тўлғаниб келган халқимнинг кўкрагига шамол тегиб, бошида чин офтоб чарақлаганидан ўзимни қўярга жой топмайман! Бу менинг аждодларим орзуси эди. Бу бизнинг авлодлар орзуси эди. Бу Тўмарис ва Широқ, Торобий, Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликлар қалбидаги нидо эди. Бу —эркин ва миллатим деб ҳаётдан армон билан кетган Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов, Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий, Усмон Юсупов ва Шароф Рашидовлар орзуси эди.

Муҳтарам Президент! Мен улардан биттасини — дўстим ва сафдошим, қарийб ярим асрни бирга ўтказган Шароф Рашидов ҳақида сўз айтишга шайландим. Лекин бу сўзимни мен анча кечикиб ва чуқур андуҳ билан айтаётганимни биламан ва тан оламан. Биз айтолмаган сўзларни сиз айтдингиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Биз қила олмаган жасоратни сиз адо этдингиз, муҳтарам Президент! Халқимиз сизни танлаб, сизни сайлаб, сизни алқаб адашмаганлигини яна бир бор кўрсатдингиз!

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Мен бир кексса ижодкор, катта умрини яшаб ўтган бир инсон Сиздай улуғ инсон ва миллат фахри билан замондош бўлганимдан фахрланаман. Сиз бошлаган улуғ ишларнинг шоҳиди бўлганимдан ҳаяжонланаман. Шундай улуғ ишлардан бири — халқ қалбига абадул-абад кўмилган, бироқ бир гуруҳ нокаслар томонидан ноҳақ топталган Шароф Рашидов қадриятининг тикланишидир. Бугун ботирлар кўп, Шароф Рашидов ҳақида сўз айтгувчилар бисёр, бироқ сиз шер панжасига панжа уриб, аждаҳолар домига рўбарў чиққанингизда омонликка кафолат бормиди? Йўқ эди!

Ўзбек халқининг содиқ ўғлони, донишманд, элпарвар раҳбарларидан бири бўлмиш, забардаст адиб, шоир, журналист Шароф Рашидовнинг туғилганига 75 йил тўлишини катта кўламда, кенг миқёсда нишонлайдиган файзкор кунларга етиб келдим. Мен саксонни босиб ўтиб, тўқсонни қоралаб бораётган бир ўзбек зиёлиси учун бундан ортиқ бахт йўқ! — деб бутун жаҳонга овоза қилишга тайёрман. Эркпарвар, тинчлик, дўстлик жарчиси Шароф Рашидовнинг илму-фан, санъат ва адабиётлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятига тараққийпарвар жаҳон тан берган эди!

Сиз Шароф Рашидов ҳақиқатни қандай бўлса шундай айтишга, унинг улуғ зотлигини, миллат фахри бўлганлигини, шарқнинг ифтихори эканлигини, дўстлик ва тинчлик жонкуяри бўлганлигини айта олдингиз. Энг муҳими ўз сўзингизда собитқадамлик билан тура олдингиз! Ниҳоят булутлар тарқалди, тўфонлар чекинди. Шароф Рашидов ҳақиқати рўёбга чиқди ва чиқмоқда. Аминманки, халқимиз сизнинг кўпдан кўп қутлуғ қадамларингиз каби бу жасоратингизни ҳам унутмайди. Инсон нимани экса шуни ўради, унинг ҳосилидан баҳраманд бўлади. Сиз яхшилик уруғини сочмоқдасиз. Шубҳа йўқки, сизнинг номингиз ҳам шон-шарафларга бурканади!

Муҳтарам Президент! Сиз биргина Шароф Рашидов номини оқлаганингиз йўқ, биргина бу мумтоз инсоннинг қаддини тиклаганингиз йўқ, Сиз халқнинг ва миллатнинг қаддини тикладингиз. Шароф Рашидов олдида анча-мунча қарздор бўлган, унинг замондошлари қаддини тикладингиз. Рашидов замондошлари бўлган бизнинг қаддимиз букик, меҳрибон устоз ва замондошга бўлган ноҳақ тухмат ва маломатлардан бошимиз эгик эди. Сиз аввало бизнинг қаддимизни тикладингиз. Шароф Рашидов эса бошини эгмай, қаддини букмай, ёв олдида миллатни хор-зор этмай мардона ўлим топган эди. Марҳум руҳи олдидаги эгик бошимизни тиклаганингиз учун Сизнинг марҳамат ва жасоратингиз олдида, донишмандларча сиёсатингиз олдида бош эгамиз. Мустамлака сиёсатнинг залворини елкамиздан олиб, пешонамизни бу қаро кунларнинг шармандали ёрлиғидан халос этганингиз учун сизга ташаккур!

Ушбу хатим ҳам дўстим Шароф Рашидов тавалуд топган куннинг 75 йиллиги арафасида битилди. Чуқур ўйлаб қарасам, бундай хатни бугун ҳаёт бўлганларида устозларим Айний ёки Ҳамза, Ғафур Ғулом ва ёки Ойбек битган бўларди. Дўстларим Уйғун ва ёки Назир Сафаров ҳайқириб минбарга чиққан бўларди. Минг афсуски, улар сафимизда йўқ экан, бундай хатни битиш мажбурияти менинг чекимга тушиб турибди. Аминманки, бу хатга менинг замондошларимдан минг-минглаб кишилар имзо чекишга шай туришибди.

Шароф Рашидов ҳаётида ва тарихида биринчи марта ўтаётган юбилей минбарида ундан миннатдор бўлган замондошлар ҳали кўп ва хўп сўз айтишади. Менинг ушбу мактубимни Сиз Ислом Абдуғаниевич, Шароф Рашидов ҳақида биринчи сўзни бошлаб берган муҳтарам инсон, унинг барча замондошларининг ташаккури ва чексиз миннатдорчилиги деб қабул қилғайсиз. Шарқнинг буюк одатларидан бири — кексага ҳурмат юзасидан дўстларим ва замондошларим ўз ташаккурини менинг — республика Фанлар академиясининг энг кекса аъзоси, адабиётнинг бир оқсоқоли, санъат ва маданиятнинг камтарин фуқароси зиммасига юкладилар.

Муҳтарам президентимиз Ислом Абдуғаниевич! Халқимиз ва миллатимиз бахтига бошингиз тошдан бўлсин!

Сизга самимий ҳурмат билан
Комил ЯШИН.

Динмуҳаммад ҚЎНАЕВ:

ДЎСТИМ ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА СЎЗ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

одатингиз бўйича палов тортилди. Икки соат гаплашиб ўтирдик. Марҳум дўстим-жигарбандимнинг хонадонида бўлганимдан, унинг аёли, бола-чақаларни соғ-омонлигини кўриб кўнглим таскин топди. Гапнинг очиғини айтганда, сафдошим вафоти шу биргина сизларга эмас менга ҳам оғир жудолик бўлган. Тақдирга тан бермасдан иложинг қанча? Кучинг нимага ҳам етарди. Фақат шак келтиришга қодирсан. Бунинг устига дегин, иним, Шароф вафотидан кейин унинг арвоҳини чирқиратиш мусулмон бандининг иши эмас-ку? Наҳотки минг минг йиллик тарихимиз, улуғ алломаларининг ўгитлари вужудимизга қўйилган бўлсада, шунга қарамай яна пасткашлик қилинса. Мен сенга айтсам, бунақа пасткашликни ўйлаб чиқарган сўхтаси совуқлар бу дунёда кафансиз кетишига аминман. Дунёда бундай мисоллар етарлича топилади.

— Сиз қозоқ ва ўзбек халқларимизнинг табаррук бовуримизсиз. Инсон боласи учун ҳам, авлодлар учун ҳам ибрат бўладиган гапларни айтдингиз. Сиз Қозоғистонга раҳбарлик қилган чоғингизда ва собиқ Иттифоқ миқёсидаги фаолиятнинг давомида Шароф Рашидов билан тез-тез учрашиб, кўришиб тургансиз. Айтингчи, юмушлардан ташқари оилавий борди-келди ҳам қилиб турармидинглар?

— Бўлмасамчи, меҳнат отпускасида бола-чақаларни олиб, дам олишга бирга борардик. Чехословакиядаги курортда, Москвадаги дам олиш уйида биргаликда ҳордиқ чиқарганмиз, оила-оила бўлиб сафар қилиш ёки дам олиш ошначилигимизни, газет тилида айтганда қардошлигимизни янада бойитишга хизмат қилган. Динимиз, тилимиз, одатларимиз бир хил бўлганлиги, еримиз туташганлиги ана шундай йўл тутишга табиий равишда ихтиёр этади. Баъзан шундай бўларди-ки, бу табиий ҳол, дам олиш бир ёқда қолиб кетиб, икки республикада битмаётган ишлар, қурилишлар, деҳқончилик ҳақида дўстона баҳслашардик.

Бир одамни кимлигини билиш учун унинг кўп фазилатларини ўрганиш керак. Шароф Рашидов ҳақида яхши гапларни айтиш учун унинг оиласини мисол қилиб келтириш кифоя. Аёли хўб доно ва сариштa бека. Бу аёл, бизлар туфайли раҳматли умр йўлдошим Зуҳра Шариповна билан дугоналар бўлиб, дўст тутинган эди. Яна бир гап бор. Яхши одамнинг боласи инсоний касбни ўрганади. Қизлари ўқимишли. Бири олима, бири дўхтир, яхши тарбия кўришган, отасига ва онасига тортишган.

— Динмуҳаммад Аҳметович, Шароф Рашидовнинг инсонийлик сифатлари ва раҳбарлик фаолиятига қандай баҳо берган бўлур эдингиз?

— Шароф дўстим, аввало, ҳалол ва бир сўзли одам эди. Мен буни унинг майин ва доно гапиришидан яққол билардим. Кўп бирга ишладик. Кўришганда доимо қучоқ очиб келар эди. Ҳатто кичикни ҳам сиз-сизлаб ҳурмат қиларди. Муҳтож одамни сира ҳам хафа қилмаган, аксинча қўлидан нимаики келса, ҳурсанд этишга ҳаракат қиларди. Унинг одамийлиги юксак эди.

Раҳбарлик фаолиятига келсак, бу ҳақда талай китоблар ёзиш мумкин. Жуда кўп улуғ ишларни қилди. Унинг бутун фикри-зикри Ўзбекистонни яшнатиш эди, у шундай қилди. Муродига ҳам етди. Талай юмушни ўринлатди. Армонлари, ҳам кўп эди. Чаласини ҳамон қуриб етишибди чамамда.

Мен сенга айтсам, раҳбарнинг зўри аввало йўл қуради. Ҳозирги замон жумушлари яхши йўлсиз битмайди. Тошкентдан бошланадиган катта Термиз йўли чет эллардаги унчамунча мамлакатларда ҳам йўқ. Бу йўл бутун Ўрта Осиёнинг ҳаёт йўли ҳам ҳисобланади. Мустақил бўлибсизлар, четга чиқиш учун бу йўл ҳали кўп хизмат қилади. Қозоғистонда ҳам бундай йўллар анчагина. Бизлар Тошкент—Бишкек—Олмаота катта автомобиль йўлини ҳам ўйлашиб, кенгашиб қурганмиз. Унинг эл-юртга фойдасини ҳисобига етиб бўлмайди.

— Сиз касбингиз бўйича кон ишлари инженерисиз. Рус тилида чоп этилган «Менинг даврим ҳақида» деган китобингизда катта-катта конларни вужудга келтиришда қандай қилиб қатнашганлигингизни ўқидим. Ўзбекистонда ҳам Шароф Рашидов раҳбарлик қилган йилларда кўпгина конлар ишга туширилди. Мурунтов олтин конини яратиш борасида у киши сизга маслаҳат солганмиди!

— Ҳа, маслаҳат сўраган. Мен бу ишнинг гувоҳиман. Шароф Рашидов Мурунтов масаласини Москвада, Сиёсий бюрода муҳим қилиб қўйган. Ўшанда бюродагилар ишнинг рўёбга чиқмаслиги учун ҳаракат қилишган. Биз иккимиз эса уларга жуда қаттиқ тушунтиришга ҳаракат этганмиз. Кўп муҳокама бўлган.

— Нега энди «хўб» дейиш қийин бўлган!

— Улар бундай бойликлар кичик ёки ўртача республикаларда бўлишини ёқтирмас эди. Ҳаражати кўп, деб чалғитишга, ортга суришга уринишарди. Иккаламиз бир бўлиб, бу ишга шундай ёпишганмизки, ахийри мақсадга етганмиз.

— Демак катта-катта ҳажмли ишлар борасида бундай тортишувлар бўлган экан, бошқа масалаларда ҳам «ўжарлик» давом этиб турармиди!

— Ой ширағимой, топиб айтдинг! Орол масаласи — бу Шароф Рашидовнинг кўксидаги армон эди. Мен сенга айтиб қўяй, Орол дарди Ўзбекистонда қанчалик оғир кечган бўлса, бу дард Қозоғистонда ҳам ундан кам эмас эди. Бир замонлар москвалик корчалонлар имкон борича биздан кўпроқ ундиришга тиришарди. Биз ҳам қараб турмасдик. Раҳматли Шароф Рашидов ҳам анойилардан эмасди. Бу мулойимгина, қирғиз қовоқли, чинор бўйли ўзбек ўғлонида Амир Темурнинг ҳайбати бор эди. Салобатли бу инсоннинг қувлиги ҳам, пишиқлиги ҳам, донишмандлиги ҳам етарли эди. У москвалик олғирларни Орол бўйига олиб бориб, суғормай олиб қайтарди. Марказ «пахта» дер эди, Шароф Рашидов эса «Сибир дарёсини берасан!» деб шарт қўйди.

Шароф Рашидовнинг партиянинг XXV съездида Сибир дарёларини кўндаланг қўйгани ёдимда. Ишонмасангиз ўша съезд ҳужжатларини олиб кўринг. Лекин мамлакат раҳбарлари қарсаклару қуруқ ваъдалар билан чекланишди. Лекин Шароф Рашидов ортга чекингани йўқ. КПССнинг XXVI съездида Сибир дарёлари сувини Оролга оқизиш масаласини яна кўндаланг қўйди. Бу сафар у қатъий эди. Шунда биз ҳам қараб турмадик. Мен ҳам ўз юртимда Шароф Рашидовни қўллаб-қувватлаб Сибир дарёларини Ўрта Осиёга оқизиш шарт деган масалани қўйдим. Икки улкан республиканинг таклифи олдида Москва чекинмай иложи йўқ эди. Биз кўп масалаларда Ўртоқ Рашидов билан олдиндан келишиб олардик. Бу сафар ҳам шундай бўлганди. Натижада Сибир дарёларининг жиловини Ўрта Осиёга буриш масаласи съезд директиваларига муҳрлаб ёзилди. Лекин афсуски, бизнинг пайтимизда бошланган бу ҳаракат кейинчалик тўхтаб қолди.

— Нега энди тўхтаб қолди!

— Буни ўша тўхтатганларнинг ўзидан сўраш керак. Сабаби аён: уларнинг ўзи ҳам паймонаси етиб, ҳаётда «тўхтаб» қолишди... Бироқ ҳаёт ўз ўрнида тўхтаб қолмаса керак. Оққан дарёлар оқаверади, дейди доно халқимиз. Мен буни нега шундай дейман? Сабаби шундаки, Ўзбекистонда буюк тариҳ ҳеч қачон тўхтамаган. Бу юртда туғилиб ўсган буюк фарзандларнинг номи жаҳонга таниқли бўлган!

— Сиз биринчи навбатда кимларни назарда тутасиз!

— Кимларни назарда тутардим? Боболаримизни-да. Боболаримиз бир бўлгач, тилимиз ва дилимиз бир бўлгач фахрланмай бўладими? Қозоқ: «Ўзбегим— ўз оғам» деса ўзбек: «Қозоғим— қардошим, жондошим» дейди. Бу икки халқнинг қадрдонлиги Шароф Рашидов билан бизни дўст тутинтирган эди. Хурсаной билан Зуҳрахоннинг меҳр иплари бир-бирига пайванд эди. Фаробийдан Абайгача бўлган даврда бу икки халқ ўз аҳдини бузган эмас. Гафур Ғулом билан Собит Муқонов дўстлигига ҳавас қилардик. Бу дўстлик ришталари бугунги кунда ҳам яшаб ва яшариб келмоқда. У келажакда ҳам гуркираб бораверади. Бу икки халқнинг муштарак мақсадлари бизни янада жипслаштираверади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир қадамини кўпдан кузатиб турибман. Ростини айтсам, унинг паҳлавонлиги ва ботир қадамига ҳавасим келади. Шундай ботир ўғлони бўлган халқ омадлидир. Ўзбек халқининг омади келган, Ўртоқ Каримов ўзбек халқини тарихдаги бурилиш давридан бурнини қонатмай, кўнглини чўктирмай олға етаклаб бормоқда. Бу ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Юқорининг зарби ва сиқтовларини яхши билган ва ўз бошида синаб кўрган қозоқ оғангиз гапига ишонаверинг. Зимистон кўчадан халқни мунаввар чўққига етаклаш осон эмас.

Ўртоқ Каримов матонат билан иш олиб боряпти. Ўзбекистон Президентининг «пахта иши», кадрлар масаласи, давлат тили, бозор иқтисодиёти ва ниҳоят Шароф Рашидов масаласидаги жасоратини олқишлайман. Тарих унинг бу қадамларини муносиб баҳолайди. Мен бунга аминман.

— Айниқса, Брежнев вафотидан кейин чамаси Кремлда Ўрта Осиё республикаларига бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолишди. Бунинг сабаби нималарда бўлиши мумкин!

— Сабаби аён. Совет Иттифоқи тепасига бошқа йўналишда фикрловчи кишилар келиб қолишди. Улар ҳар қаёқдан ёғиладиган асоссиз бўҳтонлар гирдобига тушиб қолишган эди. Ичида мағзи йўқ — пуч ёнғоққа ўхшаш гаплар эди. Бўхтон бомбадан ҳам даҳшатли бўлади. Тушган жойини қўпориб ташлайди. Оқибат нима бўлди, қудратли улкан қўрғоннинг деворлари ағдариб ташланди. Хуллас, ҳаммаси емирила бошланди.

— Шароф Рашидов билан сиз, гўё бир китобнинг икки саҳифасига ўхшайсизлар. Икки халқнинг икки қудратли чинори бўлгансизлар. Демак, ўша Сиёсий бюрода ҳам сизлар бехабар бўлган ҳолда, ичи-жимида қалтис ишларга қўл урилар экан-да!

— Кейинги пайтларда бу касалликка айланди. Афғон урушини мисол қилиб олайлик. Халқ бизлардан «қаёқда эдинглар» деб сўрайди. Бу мудҳиш хато ҳақидаги буйруқни Сиёсий бюронинг ҳамма аъзолари ҳам билмаганмиз. Уни уч-тўртгина киши билган. Ҳатто ҳужжати машинкада ёзилмай, қўл ёзма ҳолида тасдиқланган. Бу Андропов иши эканлиги кейинчалик ҳаммага маълум бўлиб қолди.

— Горбачев ҳақида нима дея оласиз!

— Горбачев тузган командаси ўзини оқламади. Кўп миллионли давлатнинг емирилишида унинг қатор айби бор. Катта шошма-шошарликка йўл қўйди. Миллатлараро муносабатлардаги тангликни яхшилаш ўрнига уни чуқурлаштириб юборди. Уни тушуниб ҳам бўлмайди. Мен асаримнинг иккинчи китобда бу ҳақда алоҳида тўхташ ниятим бор.

— Яна Шароф Рашидов ҳақида гаплашайлик. У зотнинг қайси фазилатларини тилган олишингиз мумкин!

— Шароф Рашидов Ўзбекистон учун ўзидан жуда кўп талантли шогирдлар қолдирди. Уларни халқнинг бахти дейиш ҳам мумкин. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳамма соҳалари учун минг-минглаб етук мутахассислари бор. Раҳбарнинг яхши фазилатларидан бири ўзидан муносиб ишчан шогирдлар қолдиришдир. Ўзбекистон мустақил бўлиб, ҳозир жаҳон миқёсига чиқаётган экан, ўша шогирд—кадрларнинг хизмати сезилиб турибди. Шулардан бири Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг олиб бораётган ишлари самарасидир. Олмаотада туриб, барини кузатяпман. Нега десанг, ўша йигит Шароф Рашидовнинг покиза номи ва шуҳратини ўзбекларга, қозоқларга ҳам, менга ҳам қайтариб берди. Устозларнинг хотирасини жойига қўйган одам, кам бўлмаслиги керак.

Шароф Рашидов ўз халқининг қони-қонига сингиб кетган раҳбари эди. У халқнинг дуосини олган, чўпга ҳам озор бермаган раҳбар эди.

Бировлар қилган хатони бошқа бировлар келиб тузатиши ҳаётнинг қонуниятларидан бири. Бу иш ҳозир амалга ошмаганида, келгуси асрнинг авлодлари — балки аваларимиз Шароф Рашидовнинг номини ардоқлашига умидвор эдим. Буни ташқаридан кузатган одам ойдинроқ кўра олади.

— Шароф Рашидов ёзувчи сифатида Сизга бадиий асарлар ҳадя этармиди!

— Бўлмасам-чи, ҳар бир китоби чиққанда самимий сўзли дастхат ёзиб юборарди. Булар мана кутубхонамда турибди!.. Унинг бадиий асарлари дўстимнинг чуқур зеҳнидан, фикрлар доирасининг кенглигидан дарак бериб турибди. У асарларда давримиз қаҳрамонларини ёзган. У ажойиб ёзувчи ва айни пайтда раҳбарликни ҳам маҳорат билан адо этарди. Раҳбар бўла туриб эса ижодда истеъдодини кўрсатди. Унинг китоблари мўлроқ. Иккала — юмушни ҳар ким ҳам бажара олмайди. Бу камдан-кам одамга насиб этади.

— Сизни яна бир муҳим гапдан хабардор этишни лозим кўраман. Шароф Рашидов бир вақтлар редакторлик қилган «Ўзбекистон овози» («Қизил Ўзбекистон») газетасида унинг номида жамғарма фонди ташкил этилди. Бу фонд хайрли ишларни амалга оширмоқда. Шулардан бири дўстингиз номи билан юритиладиган халқаро Тинчлик мукофотини таъсис этиш ҳаракатидир. Бу хайрли ишга нима деган бўлур эдингиз!

— Менинг жоним-таним, бу қутлуғ ҳаракатни қўллаб-қувватлайман. Қўлимдан бирор юмуш келса, айтингиз, бош устига ёрдамлашай. Бу мукофотнинг овози узоқ мамлакатларга етиб боришига аминман. Жуда соз иш бўлибди, буни ёдгорлик деса ҳам бўлади. Демак, дўстимнинг халқ орасидаги ҳурмати жуда баланд экан. Буни ким ўйлаган бўлса бу дунёда мурадига етсин. Шароф Рашидовнинг гўри нурга тўлсин!

— Тилакларингиз!

— Омон бўлинглар, ўзбеклар бахтига дўстимнинг оиласи, бола-чақалари омон бўлсин, унинг қолган умрини Хурсанойга ва болаларига қўйиб берган бўлсин!

— Сизни юбилей комиссияси сабрсизлик билан кутяпти.

— Худо насиб этса Тошкентда, албатта, учрашамиз. Таваллуд маросимларида мен ажойиб гапларни айтишга ҳозирлик кўряпман.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат! Тошкентда кўришгунча хайр!

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Тошкент—Олмаота—Тошкент.
1992 йил ноябрь.



Дўстлар учрашуви. 1980 йил. Олмаота.

ОЛИЙ ЭҲТИРОМ БЕЛГИСИ

ИМОМ БАҲОВИДДИН НАҚШБАНДИЙНИНГ 675 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ҲАҚИДАГИ ҲУКУМАТ ҚАРОРИНИ МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ ИДОРАСИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ МУФТИЙ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ ҲАЗРАТЛАРИ ШАРҲЛАЙ ДИЛАР.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раиси, давлатимиз бошлиғи жаноб Ислом Каримов ёрқин сиймо Имом Баҳовиддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан қарор қабул қилдилар. Мазкур муборак қарор диёримиз халқи ва хусусан мусулмонлари тарихида жуда катта, муҳим воқеадир. Ўйлайманки, қарорга асосан ўтказаладиган тадбирлар ва байрам тантаналари халқимиз қадриятларини, асл маданиятини тиклаш ва улардан замондошларни хабардор қилиш борасида улкан вазифани ўтайди.

Маълумки, юртимиз тарихан фан, маданият, маърифат гуллаб-яшнаган ажойиб бир ўлка бўлган. Бизнинг халқимиз ичидан чиқиб, жаҳон маданиятига, адабиёти ва илму-маърифат хазинасига ўзининг салмоқли хиссасини қўшган ва бутун жаҳон тарихида ёрқин саҳифаларни қолдирган ажойиб алломалар яшаб ўтганлар. Уларнинг меросларн ҳозирги кунгача бутун дунё халқларига ибрат, насиҳат ва тўғри йўлни кўрсатувчи воситалар бўлиб келмоқда. Шуларнинг ичида биз тўйларини қилмоқчи бўлиб турган азиз инсон Баҳовиддин Нақшбандий ҳазратлари ҳам ўзларининг муносиб ўринларини топганлар. Мен ўйлайманки, бу тантаналар фақат мўтабар инсон Баҳовиддин Нақшбандийнинг шахсларигагина тааллуқли бўлиб қолмайди, балким ул кишининг замондошлари, даври, ўша пайтдаги халқимизнинг диний маърифий ҳаракати, асл маданияти байрамига айланади.

Яна бир аҳамиятли тарафи шуки, кўплаб исломий тушунчалар қатори ислом маърифатининг бир қисми бўлган тасаввуф тушунчасига ҳам муайян бузишлар, ўзгартиришлар киритилган бўлиб, кейинги пайтларда халқларга бу исломий тушунчалар нотўғри талқин қилиниб келган эди. Биз мана шу тантаналарга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврини бузилган тушунчаларни тўғрилаш, демак ҳақиқий юзни, ҳақиқий қоматни, ҳақиқий маърифатни халқимизга етказиш учун уриниш мавсуми деб билсак бўлади.

Мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта ўтказилаётган бундай оламшумул тадбир албатта барчамиз учун катта байрам бўлиб қолажак. Баҳовиддин Нақшбандий ҳазратларининг ҳаётлари, ижодлари ва халқ тарбиясида ўтаган вазифаларини ўрганиш, ўша даврни, у кишининг асарларини, устозлари ва шогирдларини ўрганиш — ҳамма-ҳаммаси улкан маънавий-руҳий фойда келтиради деган ишончуниятимиз бор.

Албатта, бундай улкан маросимлар ўзига яраша қийинчиликлар, демакки, сарф-харажатларга муҳтож бўлади. Мана шу диний-маърифий анжуманга ҳукуматимиз тарихида биринчи марта 25 миллион сўм ажратилиши ҳам биз мўмин-мусулмонларнинг катта қувончимизга сабаб бўлди. Хусусан, ҳозирги иқтисодий ҳолат оғирлашган, ҳамма соҳа пул-маблағга муҳтож бўлиб турган бир пайтда бундай катта миқдордаги маблағнинг ажратилишини биз диндорларга, ўтган азизларимизга, диний-маърифий ҳаракатга кўрсатилган юқори ва олий даражадаги эҳтиром деб биламиз.

Бунинг учун жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримовга барча мўмин-мусулмонлар номидан чин қалбдан ташаккур изҳор қиламиз. Аллоҳ субҳанаҳу ва таало бу кишини соғ-саломат, тинч-омон қилсин. Халқимизнинг бахти-саодати йўлида олиб бораётган ишларида яратганнинг ўзи мададкор бўлсин. Ва мана бунга ўхшаган яхши фармонлари, яхши қарорларни кўплаб чиқариб боришларини насиб қилган бўлсин. Омин!

Муфтий
МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ.

ЧЎЛҚУВАРЛАР МАДАДКОРИ ЭДИ

1950 йил май ойи эди. Шароф ака эндигина Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг раиси этиб сайланган кезлар. У киши Мирзачўлнинг Олтин Урда хўжалигига ташриф буюрадиган бўлди. Мақсад — Мирзачўлдаги бир неча районларнинг кенгайтирилган мажлисини чақириш, режаларни ишлаб чиқиш, муаммоларни бартараф этиш хусусида келишиб олиш эди. Барваста, қалин қошли, истараси иссиқ, ўта дид билан кийинган бир одам минбарга чиқиб оташин нутқ сўзлади. Биринчи учрашув менда жуда яхши таассурот қолдирди. У киши хўжалик раҳбарлари билан бирма-бир қўл бериб кўришиб чиқди. Ким билан сўрашса исми-шарифини ва бажарадиган ишини сўрарди. Мажлис тугагач, Шароф ака пахта майдонини айланиб, колхозчиларга яратиб берилган меҳнат шароити, уларнинг маоши билан қизиқди. Енидаги ҳамроҳига бир нималар деб, ўзи кўрган нарсаларни, раҳбарларнинг гапларини қайд қилдириб олдилар. Бу улуғ зот билан биринчи учрашганимдан буён 40 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, таассурот шундай кучлики, ҳамон тахи бузилмай, кўз ўнгимда ипидан-игнасигача кўриниб турибди.

Шароф Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланганидан кейин вилоятимиз хўжаликлари билан алоқаси янада кучайди. Биринчи котибнинг ғамхўрлиги ва бевосита ёрдами билан янги-янги хўжаликлар барпо этилди. Асрлар давомида қақраб ётган Мирзачўл бўстонга айлантирилди.

Энг ҳайратланарлиси, вилоятимиз меҳнаткашларининг ҳанузгача хотирасидан кўтарилмайдиган нарса шуки, Сирдарё вилояти равнақи билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларга Шароф аканинг шахсан ўзлари бош-қош бўлдилар. У киши нечоғлиқ банд эканига қарамай вилоятимизга тез-тез келиб, одамларнинг ҳолидан хабар олиб турар эдилар.

Ўша кезлар Сирдарё туманидаги 1 Май жамоа хўжалигига раислик қилардим. 1974 йил июнь ойининг бошлари эди. Сира-сира эсимдан чиқмайди. Шароф Рашидов Сирдарёга келдилар. Шароф ака вилоят раҳбарияти билан биргаликда ноҳиядаги барча раҳбарларни Ильич номли колхозга тўпладилар. Барча хўжалик раҳбарлари ўз хўжалигидаги аҳволни, бажарилаётган вазифаларни, пахтачилик ва чорвачилик бўйича, маданий ва маиший соҳа бўйича қилинадиган ишларни гапириб берди. Шуниси ҳайратланарли эдики, Шароф ака ҳар бир хўжаликнинг истиқболини, муаммоларини аниқ ва лўнда тасаввур этар эди.

Шароф ака таниш-билишга эмас, аввало, ғайратли, ишчан, ёниб-тошиб юрадиган одамларга шарт-шароит яратиб берар эдилар. 1977 йилнинг июль ойи эди. Шароф ака одатдагидек Сирдарё вилояти хўжаликларида вилоят раҳбарлари В. Хайдуров, И. Кўчқоров, М. Каримовлар билан деҳқонларнинг фидокорона меҳнатлари билан танишиб, маслаҳатлар бериб юрарди. Биз у кишини «Ильич» жамоа хўжалигида кутиб олдик. Мурод Зарипов бошчилигидаги бригада пахта даласида бўлди. У киши ажойиб пахтакор эдилар. Маълумки, бизнинг диёримиз шароитида чигитни тез ундирилиши жиддий муаммо бўлиб келган. Унинг муддати чўзилган сайин чигитнинг тупроқ орасида чириб кетиши ёки илдизи чириши ҳам мумкин. Буни яхши тушунган Шароф ака қимматли маслаҳатларини бердики, натижада Зариповнинг бригадасидаги пахта бир ҳафтадан кейин анча жонланди.

Шароф Рашидовнинг ўзбек халқининг маданиятини, маърифатини ошириш хусусидаги хизматлари ҳам каттадир. Шароф ака халқнинг отаси эдилар. Бирон кишининг дилини ранжитганини кўрмаганман, эшитмаганман. Халқимиз ўзлигини, қадр-қимматини англашини жуда-жуда орзу қилар эди.

Ҳозирги мен яшаётган Оқолтин районидаги, У. Носир номли давлат хўжалигига ҳам Шароф Рашидович тез-тез ташриф буюрар эдилар. Бу давлат хўжалигини ободонлаштиришда, боғ-роғларни, гулзорларни барпо этишда ҳам қимматли маслаҳатлар берганлар. Бу давлат хўжалигини юксалишида Шароф акани шахсий ҳиссалари кўпдир. Шунинг учун ҳам биз фахрийлар, ота-оналар, мактаб жамоаси Оқолтин районидаги 9-мактабга Шароф Рашидовнинг табаррук номини бердик. Мактаб жамоаси атоқли давлат арбобини 75 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Мустақиллик шарофати, Республика Президенти Ислом Каримов етакчилигида юргизилаётган бугунги даврга мос, миллатимизнинг туб манфаатларини ифода этаётган оқилона сиёсатидан халқимиз, биз фахрийлар қанча фахрланса, қанчадан қанча қувонса арзийди. Президентимиз танлаган бу сиёсий йўл бирдан бир, оқилона йўлдир. Бу йўлни ҳаққонийлигини, тўғрилигини, халқимиз манфаати йўлидаги бирдан-бир тўғри йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Пармонқул ШОДМОНҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти Оқолтин райони Усмон Носир номли жамоа хўжалиги фахрийлар кенгаши раиси, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси.

«БАРАКА» КИЧИК КОРХОНАСИ

● Тошкент подшипникремонти заводида ижара усулида ишлаётган бу кичик корхона иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Уз олдига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйган Уктамжон Абдураҳмонов бошлиқ ижарачилар қисқа вақт ичида 1,3 миллион ўрнига 1,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашди.

700 квадрат метрли иш майдонини ижарага олган жамоанинг саккиз нафар қўли гул устаси бу ерда янгича иштиёқ ва қизиқиш билан меҳнат қилаётир.

О. Быков, В. Макаровлар қурилиш ташкилотлари учун мармардан безак плиталари тайёрлашда пешқадам. Маҳсулот учун хом-ашё Ғазалкент ва Ғозғон мармар конларидан ташиб келтирилмоқда. Транспорт ҳаражатларини ўз зиммасига олган тадбиркорлар заводга қарашли автопаркнинг бўшаб қолган автомашиналаридан унумли фойдаланяпти.

Бундан ташқари бу ерда тайёрлов идоралари учун ойига 3,8—4 минг донагача 25 килограммли олма яшчиклари ясаб жўнатилмоқда.

Тез кунлар ичида кичик корхона янги маҳсулот —сополдан чойнак, пиёла, лаган ва кошинлар ишлаб чиқара бошлайди. Завод қошида яна болалар учун стол-стуллар, пластмасса ўйинчоқлар тайёрлайдиган 2 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда.

З. ҲАЙДАРОВ.

«УМРИМИЗ БОҚИЙДИР, УМРИМИЗ БОҚИЙ...»

Оқар дарё бетиним оқаверади, гоҳо қирғоқларини ўпириб, гоҳо сокин. Йиллар эса ўтаверади... Аммо мавжудот борки, сув билан, дарё билан тирик. Раҳмон бобони дарёга қиёс этсак арзийди, ҳаётини эса оқар дарёга... Бобо ҳам қалб дарёсини одамларга баҳш этди, умрини яхшиликка сарфлади...

Раҳмон бобо Имомов бундан роппа-роса бир аср бурун Косон туманидаги Пўлоти қишлоғида таваллуд топди. 1918 йилгача у кишилар хонадонида хизмат қилиб юрди. Сўнгра мактабда савод чиқариб ўз қишлоғида тузилган қўшчилар иттифоқига раис бўлди. 1926—27 йилларда Скоблев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида ўқитувчилар тайёрлов курсида ўқиб қайтгач қишлоқ кенгашига раис бўлди. Сўнг эса 1958 йилга қадар вилоятнинг турли мактабларида ўқувчиларга илм берди. Мана Раҳмон бобо ўттиз беш йилдирки, қарилик гаштини сурмоқда. Пири бадавлат отахон саккиз фарзанднинг отаси, 74 неваранинг, 50 дан ортиқ чевара-ю эвараларнинг бобоси.

Отахонинг шогирдларини республикамизнинг истаган бурчагидан, истаган соҳасидан топишингиз мумкин. Барчаси эл хизматида.

Бобони оқар дарёга қиёсладик, зеро у изга солган қалб ирмоқлари ҳам ташна кўнгилларга ўз меҳр сувини дариғ тутмагайлар.

Суратда: Раҳмон бобо хонадонида.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

• Спорт

● Республика пойтахтининг «Старт» ўйингоҳи икки кун мобайнида гавжумлашиб турди. Бу ерда регбичи қизлар ўртасида «Осиё» лигаси соврини учун курашнинг якунловчи ўйинлари ҳамда ажойиб инсон, давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган мусобақалар ўтказилди. Шароф ота сиймоси туширилган чинни вазадан иборат нафис совринни қўлга киритиш учун бошланган кураш муросасиз баҳсга айланди.

ТОШКЕНТГА Барнаулнинг «Коммунальник», Толдиқўрғон ва Олмаота шаҳарлари болалар ва ўсмирлар олимпиада ўринбосарлари мактабларининг жамоалари, шунингдек Олмаотанинг «Ника», Тверь шаҳрининг «Инвестер» ҳамда Москванинг «Славянка» жамоалари ташриф буюришган эди. Лекин мухлислар Тошкентнинг «Сўғдиёна» қизларига кўпроқ умид боғлашди. Боиси, регбичи қизларимиз бу йилги мавсумни кўтаринки руҳда ўтказиб, ишқибозларни қувонтириб келишмоқда. «Сўғдиёна»нинг Россия кубогини қўлга киритиши ўзига хос воқеага айланган эди. Қиймати 10 минг доллар деб баҳоланаётган бу соврин «Сўғдиёна» жамоасини руҳлантириб юборди. Спортчиларимиз «Осиё» лигаси МДҲ чемпионати мусобақаларини ҳам уюшқоқлик билан ўтказиб, муддатидан бир ой илгари биринчиликни қўлга киритишди.

«Сўғдиёна» қизлари олдида яна бир ўзига хос давон, у ҳам бўлса «Осиё» лигаси кубогини қўлга киритишдек вазифа бор эди. Регбичи қизлар тадбиркор устозлари Олег Галькин раҳбарлигида бу мусобақага ҳам пухта тайёрландилар. Мазкур соврин учун курашнинг якунловчи учрашувларини Тошкентда ўтказилиши ҳам спортчиларда умидворлик пайдо қилди. Регбичиларлардан Эльвира Бегильдина, Татьяна Баранова, Оксана ва Елена Певзерлар, Елена Захарова, Лилия Мастеллар ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ҳужумкорликка зўр бериб, маҳорат кўрсатишга аҳд қилишди.

Биринчи учрашувдаёқ қизларимизнинг орзулари ушалиб, мурод ҳосил бўлиши кўзга ташланиб турди. Регбичиларимизнинг таниқли жамоалардан ҳисобланган Олмаотанинг «Ника» спортчилари билан учрашувлари қизғин курашга айланишига қарамай, майдон эгаларининг қўли баланд экани сезилди. Ўйин қоидасига кўра майдон ўртасига ташланган қовунсимон тўпни қўлма-қўл, керак бўлса, тепиб майдон ташқарисидаги чизиққа қўйилиши муҳим ҳисобланади. Унда ҳужумни уюштирган жамоа тўпни дарвоза устунидан ошириб тепиш имкониятига эга бўлиб, ўз ҳисобига қимматли икки очко ёзади. Чаққон ва чапдастлик билан тўпни бировга бермай, югуришни ўрнига қўйиш, тўпни майдон ташқарисига олиб чиқиш тўртта очко билан баҳоланади. Жарима тўпини тепганга учта очко берилади. Спортчи қизларимиз ана шундай ўзига хос юмушларни адо этишда маҳорат кўрсатишди. «Сўғдиёна» 28:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Регбичи қизларимизнинг «Осиё» лигаси кубогини қўлга киритишлари учун биргина ғалаба кифоя экани олдиндан маълум эди.

Софья КАБАНОВА, «Сўғдиёна» жамоасининг тўпурари.

— Бу йилги мавсумни муваффақиятли якунлаганимиздан беҳад мамнунман. Жамоамиз ташкил топганига эндигина икки йил бўлди. Зеро, «Сўғдиёна» номи оғизга тушиб, республикада спортнинг регби тури оммавийлашиб, унга қизиқувчилар сафи кенгайиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Ўйлайманки, яқин келажакда барча вилоятларда биз билан баробар куч синашадиган жамоалар ташкил этилади.

Шавкат АБДУЛЛАЕВ, техника фанлари доктори, профессор «Бассойл композит ЛТД» Узбекистон—Америка қўшма корхонасининг Президенти:

— Сирасини айтганда «Сўғдиёна»нинг қисқа даврда бунчалик эътибор топишига ишонқирамаган эдим. Зеро, бу жамоани ҳомийликка олиб янглишмаган эканмиз. Ишончимизни қозонишмоқда. Умуман унчалик машҳур бўлмаган спорт жамоаларини моддий жиҳатдан қўллаб туриш савобли ишлар сирасига киради, деган умиддаман. Чунки, бундай номаълум жамоалар юзага чиқаётганида мухлислару мутахассислар эътибор билан қарашади. Таниқли спорт жамоаларига эса кўп ҳам аҳамият бериш вермайди. «Сўғдиёна»нинг келажаги порлоқ. Бу жамоа халқаро учрашувларда куч синашни орзу қилмоқда.

Владимир КОКАРЕВ, хўжалик ҳисобидаги «Ҳамза» спорт-соғломлаштириш марказининг директори.

— «Сўғдиёна» жамоасини таркиб топтириш ишларига бош-қош бўлиб янглишмаган эканмиз. Орзуларимиз рўёбга чиқяпти. Ҳомийларимиз яхши ёрдам беришяпти. Бир ниятимиз бор, у ҳам бўлса Ўзбекистонда регбини оммавийлаштириш ва «Сўғдиёна» қизлари сафини маҳаллий ўйинчилар билан тўлдириб боришдан иборат. «Сўғдиёна» 1994 йили ўтказиладиган жаҳон кубоги учун мусобақаларда иштирок этишни кўзламоқда.

РЕГБИЧИ қизларимиз қолган учрашувларни ҳам ғалаба билан якунлаб, ўзлари учун энг қимматли ва қадрли ҳисобланган соврин — Шароф Рашидов номидаги эсдалик кубогини ҳам қўлга киритдилар. Мусобақанинг тантанали ёпилиши ҳам ўзига хос байрамга айланди. Мусиқа садолари остида ғолибларга аталган мукофотлар топширилди. «Сўғдиёна» жамоасига бир йўла учта соврин берилди. Жумладан, улар «Осиё» лигаси кубоги ва чемпионати совринини олишди. Шароф ота сиймоси акс эттирилган кубок топширилаётганда олқишлар баралла янгради. Кейин иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган жамоаларга мукофотлар тақдим этилди. Энг яхши ҳужумчи, ярим ҳимоячи, тўпурар қизларга ҳам алоҳида мукофотлар берилди. Шундай қилиб якунловчи мусобақаларни жисмоний тарбия ва спортнинг ривожлантириш ташаббускори Шароф Рашидов хотирасига бағишланганидан ва бу мусобақалар ўзга ҳос спорт байрамига айланганидан зўр таъссурот олган меҳмону мезбонлар мамнун бўлишди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ТОШКЕНТДА ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРИЛДИ

• Муштарий хатларидан

БУ МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИДАН

Қирқ йилдан ортиқ меҳнат қилдим. 1967 йилдан бери пенсиядаман. 1991 йилгача 104 сўм нафақа олар эдим. 1992 йилда эса, бир неча маротаба нафақалар ошди. Ҳурматли Президентимизнинг шу йил октябрдаги фармонига мувофиқ барча нафақалар оширилди. Менинг нафақам 2000 сўм бўлди, 15 октябрда нафақа олишга борганимда 25 йилдан ортиқ узлуксиз ишлаганим учун 734 сўм қўшимча нафақа беришди. Бу давлатимизнинг қариялар бўлган ғамхўрлигидан нишонадир. Уёғини сўрасангиз, аввал давлатдан бундай нафақа олиш тушимга ҳам кирмаган. Мен 40 йил ўқитувчилик қилдим. Аввало бу мустақиллик шарофатидан. Қилган меҳнатларим зое кетмади. Худога минг қатла шукурлар қиламан.

Ш. РАЖАБОВ, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

НОМЛАР ТЎҒРИ ЁЗИЛСА...

Ҳозир пойтахтимиз кўчаларидаги ном кўрсаткичлари ва бошқа маълумотлар асосан давлат тилида ёзилмоқда. Баъзи номлар инглиз, турк ва бошқа хорижий тилларда кўрсатиляпти. Бу мастақиллигимиздан, халқаро майдонга дадил кириб келаётганимиздан нишона. Зотан, ҳамма ерда ҳам тўғри ва аниқ ёзувлар кўзга ташланади, дейиш қийин. Масалага янада кўпроқ эътибор бериш, масъулият билан қараш зарур бўлиб турибди. Бонси хатолар бор. Мен майда-чуйда хатоли ёзувлар ҳақида тўхталиб ўтирмай, ўзим жиддийроқ деб ҳисоблаганларимдан бир нечтасини кўрсатиб ўтмоқчиман.

Ш. Рашидов кўчасида, собиқ Ленин музейи яқинидаги йўл кўрсатгич лавҳачада иккита хато бор. Навоий — Новоий, Ўзбекистон меҳмонхонаси, деганда қўштирноқ қўйилмаган. Фаробий кўчасида улуғ алломанинг номи гоҳ Форобий, гоҳ Фаробий тарзида ёзилган. Бундай хатолар шаҳримиз кўчаларида исталганча топилади.

Улуғ аждодларимизнинг номларини кўринарли жойларда аниқ ва тўғри ёза олмасак хорижлик меҳмонлар тилимизу имлоимиз ҳақида нима деб ўйлашади?!

А. МУТАЛОВ, Ҳуқуқшунос.

• Эл яхшиларни унутмайди

МАРДИ БОБО ЎЗИМИЗНИКИ-ДА!

Марди акада туғма инқилобий вужуд бўлган. Ташвишсиз яшашни ўзига ор билган.

— Эрим эрталабки нонуштани уйда камдан кам қиларди, —дейди Маҳсума ая. — Тонг қоронғусида далага чиқиб кетарди, раҳматли. Соат тўққизларга бориб идорадан телефон қилиб «Яхши ўтирибсизларми?» деб сўрарди. Лекин оилани ҳеч ташлаб қўйган эмас.

Баъзан ўйлаб қоламан: раҳбарларнинг бунақа авлодини кўриш учун бизга неча йил керак бўларкин? Халқимизнинг қадрияти, энг яхши фазилатлари мужассам бўлган бундай раисларда. Айтгандай, Марди акани «король» раис деб аташган. Бунинг маъниси шундаки, у кишининг ҳамма ерга сўзи ўтарди. Аммо «король» бўлиб бировнинг дилини оғритган эмас. Аксинча, билагида ҳаракати бўлган йигитларни тарбиялаб вояга етказди. Муяссар Шодиев ана ўшаларнинг бири.

— Энди, бу одамдаги салоҳият ва жўшқинликни таърифлаш қийин, — дейди Муяссар ака. — Ишлаб чарчамайди. У киши ишлаган даврда колхозда бировнинг бурни қонаган эмас. Тўйдан, маъракадан қолмасдилар.

Мен у одамнинг қўлида бош бухгалтер бўлдим. Кейин партия комитети секретарлигига сайландим. Шу хўжалик раиси, райком биринчи котиби... Хуллас, Марди акадан ўрганган фазилатлар менга асқотди. Қурилишга, ободончиликка эътибор бердик.

Марди Султонов ўтмасиданоқ ўзига ҳайкал қўйган эди. Райондаги биринчи туғуруқхона унинг хўжалигида қад кўтарди. Биринчи электростанция ҳам, Фақат бугина эмас. Қишлоқда ҳаммом, қўшқаватли болалар боғчаси, радиоузел, телефон станцияси, касалхона, тегирмон, кооператив уйлар қурилди. Учта боғ яратилди. Бектош Раҳимов, Суюн Тўхлиев каби райком котибларидан гап эшитмай ишлаш осон эмас-ди!

Қишлоқ оқсоқолларидан Убайдулла Эрдонов, Нурмамат Пардаев, Ўта Алишеров, Ҳамид Ҳасанов ўз сафдошларини чуқур ҳурмат билан эслашади.

— Раҳматли одамнинг қадрига етарди. Уруш кўрганда! Урушдан ярадор бўлиб қайтди. Ўша даврда отасидай фидойи чиқишди. Усмон шу қишлоқда биолабораторияда агроном, Толиб — фермада зоотехник, Ҳалима — боғча мудираси. Тағин бири вилоятда нуфузли раҳбар.

— 1954 йилда идорада котиб эдим, — дея эслайди Полвон ака Тошниёзов. — Колхозимизга қўшни Қумоқи, Тепақўрғон, Бурмон, Қипчоқ, Чашма қишлоқлари ҳам қўшилди. Лекин улар жуда камбағал яшашарди. Марди ака дарҳол хўжалик ҳисобидан уларга 100 килограммдан буғдой улашиб берди. Бағри кенг эди у кишининг.

Фидойиларнинг ўлими ҳам жасорат. 1963 йилда М. Султоновни қўшни Ҳатирчидаги қолоқ Чкалов тўқайда колхоз қилиш осон эмасди.

Яхши дарахтнинг илдизи ўз-ўзидан ривожланади. Марди бобо тарбиялаган шогирдлар бугун Каттақўрғон истиқболи йўлида ҳалол-покиза меҳнат қилмоқдалар. Болалари ҳам номли хўжаликка раис қилиб юборишди. Беш ой ўша ерда ишлади. Лекин чкаловликлар ҳамон у кишини ҳурмат билан эслашади. Ўшанда эрта баҳорда даштга жала ёғди. Бир томонда чигит экилаётир. Марди ака ҳаво совуқ, жала қуяётган бўлса-да, даладан кетмади. Деҳқонларнинг ёнида бўлди. Уруш қолдирган асорат кучини кўрсатди. Зах баданидан ўтиб кетган экан...

Хуллас, қишлоққа қайтди. Аммо кўп ўтмай бандаликни бажо келтирди. Бутун қишлоқ йиғлаганди ўшанда...

Қаранг, орадан ўттиз йил ўтибди-ю Марди ака ҳамон одамлар қалбида. У кишининг ҳаёти, меҳнати боқийликка дахлдор. Шу боис ҳамқишлоқлари шу пайтгача Ленин номи билан аталиб келган хўжаликка Марди Султонов номини беришга қарор қилдилар. Бу таклиф районда, вилоятда қўллаб-қувватланди. Муҳими, Каттақўрғонда Марди бобо бошлаган эзгу ишлар давом этмоқда.

Хайрлашаётиб, Муяссар Шодиев билан суҳбатлашдик.

— Тўғри иш қилдик. Ленин буюк одам бўлган, аммо Марди бобо ўзимизники-да!

Биз ҳам бу фикрга қўшилдик.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ширинтой» обуначиларига мукофот

Азиз болажонлар! Эндигиздан бўлсин, «Ширинтой»нинг 1993 йил 1-сонини ташлаб юборманг. Чунки унда сизга аталган мукофотни биздирувчи махсус белги бўлади. Унинг қанақа белги эканлигини эса журналнинг нинчи сонини олганингизда биласиз.

Ютуқ фақат обуна бўлганларгина чиқади. Ютуқни олиш шартлари билан ҳам 2-сонда танишасиз.

Омадингиз чопса РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР, ХОЛОДИЛЬНИК, БОЛАЛАР ВЕЛОСИПЕДИ, МОНТАНА, «АДИДАС», СПОРТ КИЙИМЛАРИ, чет элда ишланган қимматбаҳо ўйинчоқлар ютасиз.

«ШИРИНТОЙ»га обуна бўлишга шошилинг.

Йиллик обуна баҳоси —132 сўм.

Нашр белгиси —73234.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).
● ОМОН МАТЖОН ИЖОДХОНАСИДА
● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.
● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
● НАМАНГАН: «ҚИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ

●

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1992 йил 5 ноябрь, соат 18.00 да

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертга севимли хонандалар ва сўз усталари:
Олмахон ҲАЙИТОВА,
Ғуломжон ЁҚУБОВ,
Ортиқ ОТАЖОНОВ,
Аҳмаджон ШУҚУРОВ,
Ғиёс БОЙТОЕВ,
Охунжон МАДАЛИЕВ,
Маҳмуджон АЗИМОВ,
Авазбек МАҲМУДОВ,
Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Муҳриддин ХОЛИҚОВ,
Тошпўлат МАТҚАРИМОВ,
Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ
Обид, Собит АСОМОВЛАР
таклиф этилади.

Хайрия концерти ойнан жаҳон орқали намойиш этилади.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

МУКОФОТГА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА

Агар кимда ким шнаузер наслидаги қора рангли Тото лақабли кичкина кучукчани топиб берса, ана шу мукофотга эга бўлади.

Кучукча ўтган якшанба куни Тошкент отчопарида йўқолган. Бўйнида темир тасмаси бор.

Америка элчихонасига — 77-14-07 телефонга қўнғироқ қилинг.

ҚУТЛАЙМИЗ, ДАДАЖОН!

Дадамиз Аллоберди Мирзаевни таваллуд куни билан табриклаб узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ бўлсинлар.

Фарзандлари, волида ҳамда набиралари.

Бу табрикномани Бухоро район 22-давлат хўжалигидан Сайёра Мирзаева юборибди. Редакция истакларга қўшилади, лекин айни пайтда бундай қутлов хатларини босиш муайян харажат талаб қилишини, бинобарин буюртмачилар одатда тегишли ҳақ тўлашлари лозимлигини эслатади.

ЎҒЛИМНИ ИЗЛАЙМАН

Ўғлим Рустам Тошпўлатов Андижон вилоятининг Боғишамол масчити қошидаги диний мактабда ўқиётган эди.

У 4 сентябрь — жума куни уйга бораман деб масчитдан чиқиб кетган. Рустам шундан буён йўқ.

У 1979 йилда туғилган. Белгилари — бўйи 1 метру 10 сантиметр. Юз тузилиши оқ сариқдан келган, сочлари сариқ.

Рустам мактабдан оқ куйлак, кўкимтир гулли жемпер, эгнига сариқ костюм шим кийган.

Ўғлимни кўрган-билганлар қуйидаги манзилгоҳга —Жиззах райони Шароф Рашидов номли давлат хўжалиги, «Зарафшон» участкаси, Гулзор кўчаси, 30-уйга хабар қилишларингни сўрайман. Катта суюнчи бор.

Ўринбой ТОШПЎЛАТОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Давлат Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш уюшмаси Тошкент 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори,

Абдулла Тўлаганович ТУЛАГАНОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига таъзия изҳор қилади, ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Олмалиқ шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Т. Алимовга онаси

Норгул аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети раҳбарияти ва жамоаси университет ректори муовини З. Йўлдошевга онаси

Норбу ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: А. ПЎЛАТОВ.

БИЗНИҢ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.45. Г—453. № 217. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.